*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
3 апрель
ШАНБА

№ 26
(12.246)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

ШУ СОНГА ХАБАР



## ПИСКЕНТЛИК ҒИЁС ФЕРМЕР

### чигит экишни вилоятда биринчилар қатори бошлаб берди



СУРАТЛАРДА: (ўнгдан) туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Ҳикматиллахон Акромов, Дўнгқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Зарафшон Рашидов, фермер Ғиёс Қулибоев, сеялкачи Обид Ниёзов иш устида; чигит экиш пайти.

**Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

Бу йил туманда чигит экишга тайёргарлик кўришга анча барвақт киришилди. Кўкламнинг серёғин келиши шуни тақозо этарди. Ер, техника, экиш отрядлари олдиндан шай ҳолга келтирилди. "Қулибоев Ғиёс" фермер хўжалиги сифатли тайёрланган майдонларга биринчи бўлиб чигит экишга киришди.

– 292 та фермер хўжалиги билан 9185 гектар ерда пахта етиштириб, давлат эҳтиёжлари учун 24 минг 300 тонна сифатли хом ашё топшириш юзасидан шартномалар тузилган, – дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Ҳикматиллахон Акромов. – Чигит экишда 43 та отряд фаол ҳаракат қилади, 56 та трактор, 85 та сеялка жалб этилади.

– Ҳозир ернинг нами ҳам, тафти ҳам маромига келиб қолди, – дейди фермер Ғиёс Қулибоев. – Фурсатдан фойдаланиб, чигитни тез экиб олсак, марра бизники. У ёғидан кўнглимиз тўқ – ғўза парвариши ҳар йилги ишимиз.

Шундай. Саккиз кишидан иборат жамоа етарли тажрибага эга. Ўтган йили ҳосилдорликни 45 центнерга олиб чиқди. Бу йил ҳам 20 гектарга чигит қадашни режалаштирган фермер хўжалиги тўқсон тонналик хирмонни кўзлаяпти.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

## ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДАГИ БОЛАЛАР СПОРТИ ОБЪЕКТЛАРИДА БАНД БЎЛГАН АЁЛ СПОРТ УСТОЗЛАРИ МЕҲНАТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Васийлик кенгашининг 2010 йил 11 мартдаги қарорига мувофиқ ҳамда қизларни, айниқса қишлоқ жойлардаги қизларни спорт билан шуғулланишга фаол жалб этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, болалар спорти объектларида болалар ва ўқувчи ёшлар билан ишлаш учун аёллар орасидан юқори малакали, профессионал тайёрланган устоз кадрларни кенг жалб этиш, уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2010 йил 1 апрелдан бошлаб қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактабларида, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларида жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳамда спорт устози бўлиб ишлаётган аёлларнинг тариф ставкаларига ҳар ойда 15 фоиз миқдорда устама ҳақ белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки, жисмоний тарбия ўқитувчилари ҳамда спорт устозлари бўлиб ишлаётган аёлларнинг тариф ставкаларига ҳар ойда қўшиб бериладиган устама ҳақ белгиланиши билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг "Таълим" бўлими бўйича тасдиқланган харажатлар доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва уларнинг ҳудудий органлари бир ой муддатда қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг штат жадваллари ҳамда харажатлар сметаларини мазкур қарор талаблари билан мувофиқ ҳолга келтирилишини таъминласинлар.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2010 йил 1 апрель.

## ТАҚДИМНОМА МУҲОКАМАСИ

**Тошкент тумани ҳокимлигида вилоят прокуратурасининг "Қонун бузилиши, унинг сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида"ги тақдимномаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Унда туман ҳокимлиги ва давлат солиқ инспекцияси вакиллари, агрофирма ва фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этишди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар фермер хўжаликлари раҳбарларининг вазифалари, фермерлик бурчи ҳамда масъулияти тўғрисида атрофлича фикр юритдилар.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

МУНОСАБАТ

## МУШТАРАК МАҚСАД ЙЎЛИДА

**Бугунги вазиятларда ўзаро келишувнинг зарурлиги кундек равшан. Барча ёт, иккинчи даражали нарсаларни бир четга суриб қўйиш, унутиш лозим, токи улар ўтмишга айлансин.**

**Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан шу йил 16-17 апрель кунлари Тошкентга расмий ташрифи рамзий маънога эга ва ўзаро иноқлик белгисидир. Ва бу ҳол босқичли бўлиши лозим. Нафақат бу икки давлатнинг ўзаро муносабатлари, балки Марказий Осиё мамлакатларининг ҳудудий интеграцияси, шунингдек, халқаро хавфсизликни таъминлаш масалаларида бу жуда муҳимдир.**

Ўзбекистон билан Қозоғистон минтақада бир-бирларига доимо табиий стратегик шерик бўлиб қолмай, айни вақтда шу минтақада етакчи бўлиш учун курашда маълум даражада рақобат ҳам қилишган. Кейинги икки ўн йилликнинг турли даврларида ушбу икки мустақил республиканинг ўзаро муносабатлари посангиси ўзгариб турди. Бироқ уларнинг раҳбарлари ўртасидаги муносабат доимо ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланиб келди.

Бу сафар ҳам Н. Назарбоев ўзининг эски дўсти И. Каримов билан учрашувга отланар экан, минтақада турли соҳаларда тўпланиб қолган муаммолар хусусида нафақат таклиф бериш, балки уларни ҳал этишнинг муросасозлик йўлини биргаликда топишни дилига туккан эди. Ўзбекистон Президенти унинг бу холис муносабатига хайрихоҳлик кўрсатди. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Ҳозирги кунда миллий ва халқаро хавфсизликка кўплаб таҳдидлар бўлиб турган бир пайтда Н. Назарбоевнинг бу ташрифи икки мамлакат манфаати мутаносиблашиб бораётганидан дарақдир.

Жумладан, И. Каримовнинг Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти саммитини ЕХҲТга Қозоғистон раислик қилаётган шу йили ўтказиш ҳақидаги Н. Назарбоев ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлагани ҳам Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг иноқлашувидан далолат беради. Шу муносабат билан "Халқларимизнинг ўзаги бир. Бизларни тарихий биродарлик ва яхши қўшничилик анъаналари бирлаштириб туради. Бизнинг ЕХҲТга раислигимизни ҳамда унинг саммитини Астана шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги ташаббусимизни қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорчилик изҳор этамиз", деди Н. Назарбоев. Ўзбекистон Президенти эса, бизнинг мамлакатимиз Қозоғистоннинг фаол ташқи сиёсати ва ЕХҲТга раислигини қутлашини таъкидлади.

Шунингдек, томонлар Марказий Осиё минтақасининг сув-энергетика ресурсларидан биргаликда фойдаланишнинг ўзаро мақбул тамойилини тезроқ ишлаб чиқиш ҳамда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ишини фаоллаштиришдан икки мамлакат ҳам бирдек манфаатдор эканлигини тасдиқлади. Чунончи, Нурсултон Назарбоев таъкидладики, Тожикистондаги Роғун ГЭСи ва Қирғизистондаги Қамбарота объектининг экологик ва техноген жиҳатдан хавфсизлиги, шунингдек, сув оқимини тартибга солиш масалалари юзасидан халқаро экспертиза ўтказиш лозим.

Қозоғистон раҳбарининг айтишича, у Ўзбекистонга ташрифи олдидан Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон ва Қирғизистон Республикаси Президенти Қурмонбек Боқиев билан суҳбатлашган: "Улар, умуман олганда, шундай экспертизага тайёрлар. Биз Ислом Каримов билан келишиб олдик ва шуни маълум қиламизки, экспертиза натижаларини олгач, янги объектлар қурилишида иштирок этишга тайёрмиз".

Афғонистондаги вазият, айниқса, катта ташвиш туғдирмоқда. Ўзбекистон ҳам, Қозоғистон ҳам бу масалага жиддий эътибор билан қараяпти. Нотинч, ички ва ташқи сиёсати беқарор мамлакат билан қўшничилик қай даражада хавфли эканлигини Ўзбекистон ўз бошида синаб кўрди. 1999 ва 2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳукумат қўшинлари қўшни Қирғизистон билан биргаликда геополитик реалликни мутлақо ҳис этмайдиган "Толибон"ларга қарши курашди. Шунингдек, Эрон теварагидаги танг вазият ҳам яқин келажакда янада кучайиши эҳтимолдан холи эмас. Бу ўз навбатида бутун Марказий Осиёдаги барқарорликка раҳна солиши турган гап. Бу масалада Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳам халқаро тинчлик ташаббуси доирасида ҳамкорликда амалий куч-ғайрат кўрсатиши зарур.

Қозоғистон ва Ўзбекистон раҳбарлари учрашуви жараёнида президентларнинг Қўшма баёноти имзоланди. Ундан "Томонларнинг Қозоғистон-Ўзбекистон ҳамкорлигининг долзарб масалаларига жиддий ёндошуви" ва бошқа бир қатор ҳукуматлараро ҳужжатлар ўрин олган.

Музокаралар якуни юзасидан икки давлат раҳбарлари қўшма матбуот анжумани ўтказишди. Ўзбекистон Президенти И. Каримов қуйидагиларни таъкидлади: "Қозоғистон Республикаси делегациясининг ушбу расмий ташрифига Ўзбекистон томони ўзаро фойдали Қозоғистон-Ўзбекистон ҳамкорлигини янада ривожлантиришда муҳим воқеа, мамлакатларимиз ўртасидаги кўпмақсадли алоқаларни янада мустаҳкамлашдан ўзаро манфаатдорликнинг аниқ тасдиғи сифатида қарайди".

Нурсултон Назарбоев билан Ислом Каримовнинг ушбу учрашуви натижаси ўлароқ Марказий Осиёда тўпланиб қолган жиддий муаммоларнинг чигили аста-секин ёзилаётганини ҳис этиш мумкин. Бунинг учун ўзаро келишувлар, икки томонлама мақбул ечим топиш масалалари юзасидан тўғри йўл танланган.

**Валентин ЯКУШИК,**
**сиёсий фанлар доктори,**
**"Киево-Могилянская академия" миллий университети профессори.**
(ava.md)

## КАМЧИЛИКЛАР ЎРГАНИЛДИ

**Вилоят хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда уюшманинг шаҳар ҳамда туман бўлимлари раҳбар ва мутахассислари иштирок этди.**

Йиғилишда соҳага тегишли ҳукумат қарорларининг ижроси, қарздорликни камайтириш ҳамда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Камчиликлар таҳлил қилиниб, келгусида қилинажак ишлар белгилаб олинди.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

## «БУРГУТ» ҲАММАДАН ЗЎР

**Зангиота туманидаги агросервис касб-ҳунар коллежида "Спорт – тинчлик элчиси" шиори остида миллий ўйинлар мусобақаси ўтказилди.**

Унда 48 ўқувчи тўртта гуруҳга бўлинган ҳолда чиллак, beштош, кураш, арқон тортиш каби ўзбек миллий ўйинлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Якуний натижаларга кўра коллежнинг "Бургут" жамоаси 1-ўринни эгаллади. Ғолибларга коллеж раҳбариятининг эсдалик совғалари топширилди.

**Азамат АҲМЕДОВ.**

«ТАШАББУС – 2010»

**"Туркистон" саройида республика Президенти соврини учун "Ташаббус – 2010" кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда иштирок этган вилоятимиз вакили Гўзал Шукурова "Йилнинг энг яхши фермери" йўналишида фахрли 2-ўринни эгаллади.**

**Мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида хусусий сектор ривожига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, миллий ҳунармандчилик ҳамда фермерликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган мазкур кўрик-танловнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Танловда вилоятимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб келаётган қибрайлик фермер Гўзал Шукурованинг муваффақиятлари фикримизга асос бўла олади.**



## ДАДИЛЛИК ЭЪТИРОФИ

Дастлаб, 5 гектар ерда иш бошлаган тадбиркор бугун 454 гектар ерга эга. Асосан, боғдорчилик ва ғаллачиликка ихтисослашган "Истиқлол – Шукурова Г.Н" фермер хўжалиги эндиликда чорвачилик, сабзавотчилик, паррандачилик соҳаларига ҳам дадил қўл ураяпти. "Ташаббус"нинг вилоят босқичида "Йилнинг энг яхши фермери" дея тан олинган, республика босқичида ҳам совриндор бўлган қибрайлик фермернинг орзулари бир олам.

– Президентимиз айтганларидек, бугунги фермер етиштирган маҳсулотини ўзи қайта ишлаши, шу орқали қишлоққа саноатни олиб кириши ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилиши керак. "Ташаббус" кўрик-танловларида иштирок этар эканман, бу кўрсатмалар фермерлик фаолиятимда ўз аксини топа бошлади. "Ташаббус – 2008"-нинг республика босқичида "Энг матонатли, ишбилармон аёл" номинацияси бўйича ғолиб бўлган эдим. Бу йил эса, фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, қимматбаҳо совринлар соҳибаси бўлдим. Республикадаги 41 нафар энг тажрибали, ишбилармон тадбиркорлар қаторида аёл фермерлардан биринчи бўлиб бундай шарафга муяссар бўлганлигимдан бахтиёрман. Айниқса, чет элга бориб ўқиш, малака ошириш имкониятини қўлга киритганлигим ҳозирги билим ва кўникмаларимни янада бойитиши шубҳасиз.

Қисқаси, давлатимиз биз фермерларга кўрсатаётган эътибор ва рағбат бундан буён ҳам ғайрат, шижоат билан ташаббус кўрсатиб ишлашга чорлайди. Ҳозирги кунда республика илмий ишлаб-чиқариш институтлари, Аграр университетининг "Фермер хўжалигини бошқариш" факультети билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Гўшт ва сутни қайта ишлаш, сабзавот майдонларини янада кенгайтириш, уруғчиликни ривожлантириш юзасидан лойиҳалар ишлаб чиқилди. Шунингдек, 5 минг товуқ боқиладиган паррандачилик фермасини ташкил этиш, хусусий машина-трактор паркимизни янги-янги техникалар ҳисобига кенгайтириш режамиз бор.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

**"Баркамол авлод йили" Давлат дастурида ёшлар манфаатига хизмат қиладиган, уларнинг ҳар жиҳатдан камол топишларини таъминлайдиган вазифаларга катта эътибор қаратилган. Ана шу мақсадга хизмат қиладиган хайрли вазифалар ижроси вилоятимизда ҳам кенг қулоч ёймоқда. Аввало, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ўқув лаборатория анжомлари билан жиҳозлаш, таълим жараёни сифатини ошириш, талабаларнинг ўқиш ва яшаш шароитларини яхшилаш учун барпо этилаётган иншоотларнинг молиялаштириш манбалари аниқлаштирилганини қайд этиш лозим.**

# БУЛАР ЭНДИ ХАЁЛ ЭМАС

Шу билан бирга шаҳар ва туманларда халқ таълими, маданият ва спорт тизимида фаолият кўрсатаётган мактабдан ташқари ва клуб муассасалари негизида замонавий ҳамда зарур анжомлар билан жиҳозланган "Баркамол авлод маркази"ни ташкил этиш, уларда ёшлар техник, ижодиёт, ўлкашунослик каби ўзларини қизиқтирган турли йўналишларда бўш вақтларини самарали ўтказишларига имкон яратиш назарда тутилган. Мазкур марказнинг ташкил этилиши мактабдан ташқари техник ва гуманитар таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга кўмак беради.

Ўсиб келаётган авлод саломатлиги мониторингини олиб боришнинг комплекс чора-тадбирлари ҳам ишлаб чиқилдики, унда ирсий ва туғма хасталиклар, аёллар касалликлари профилактикаси ва бошқа жиҳатларга катта эътибор қаратилди.

Янги ўқув йилига қадар вилоятда 1710 ўринли 4 та касб-ҳунар коллежини фойдаланишга топшириш, муқаддам ишга туширилган коллеж ва академик лицей талабалари учун 570 ўринли 6 та ётоқхона қуриш, касб-ҳунар коллежларининг 9 та ётоқхонасини мукаммал таъмирлаш, уларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш кўзланмоқда.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури асосида вилоятнинг умумтаълим мактаблари 41 номдаги электрон дарсликлар ва ўқув фильмлари, шунингдек, мамлакатимиз тарихи, маданияти ва эришаётган ютуқлари акс этган электрон манбалар, мультимедиа дастурлари билан таъминланади.

Бекобод туманида транспорт ва саноат касб-ҳунар коллежи, Паркент, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Ўртачирчиқ каби қатор туманларда турли соҳа мутахассисларини тайёрлашга мўлжалланган янги, барча имкониятларга эга касб-ҳунар коллежлари ва уларда қулай ётоқхоналар барпо этилади.

Мамлакатимиз ёшлари камолотини кўзлаб яратилаётган барча шарт-шароитларда ногирон, имконияти чегараланган ўқувчилар манфаатлари ҳам ҳисобга олинган. Шу мақсадда вилоятдаги уйда ўқитишга жалб қилинган 5-9-синфларнинг 10 тадан ўқувчисини ҳар бир шаҳар ва туманда шахсий компьютер ва мультимедия дастурлари билан таъминлаш, шунингдек, уларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш, фаол ҳаётга жалб этиш учун масофадан ўқитиш, фаолият тури тобора оммалашиб бораётган "ZiyoNet" тармоғига улаш режалаштирилган. Бу имкониятдан ҳозирча 210 нафар бола баҳраманд бўлади.

Ёшлар турмуш тарзини спортсиз тасаввур этиш қийин. Уларнинг бу соҳада эришаётган ютуқларини рағбатлантириш мақсадида дунёнинг етакчи спорт усталари иштирокидаги мастер-классларга жалб этиш, нуфузли спорт мусобақаларига тайёрлашга катта эътибор берилаётир.

Маълумки, ёшларни, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш, айниқса, уларни қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш долзарб масаладир.

Йил давомида вилсятда ёшлар учун 47 минг 214 та янги иш ўринларини ташкил этиш эътибор марказида бўлаяпти. Мазкур иш ўринлари кичик корхоналар, фермер хўжаликлари ва якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжудларини кенгайтириш, касаначилик, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига ташкил этилади.

Шу мақсадда таълим муассасаларидаёқ ёшларда меҳнат кўникмаларини тарбиялаш ва тадбиркорлик ташаббусларини шакллантириш учун касб-ҳунар коллежлари ҳузурида аграр йўналишда ўқув ёрдамчи хўжаликлар, саноат, қурилиш, архитектура, конструкторлик ва сервис хизмати йўналишида ишлаб чиқариш цехлари, устахоналар ва сервис хизмати кўрсатувчи кичик корхоналарни ташкил этишга ҳаракат қилинаяпти.

Вилоятда ана шу ниятларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини "Ўзбекистонда микромолиялаштиришни ривожлантиришга кўмаклашиш" грантлари лойиҳаси доирасида 1,4 миллион доллар ҳажмида молиялаш назарда тутилган. Тадбиркорлик билан шуғулланаётган аёлларга микрокредитлар бериш учун тижорат банкларининг 15600,0 миллион сўм маблағи жалб этилди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслар маркази, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Фонд-Форум, "Меҳр нури" жамғармалари, "Аёллар кенгаши" республика жамоатчилик бирлашмаси, кредит уюшмалари ва бошқа мутасадди ташкилотлар бу эзгу ишларда иштирок этиш истагини билдирди.

Ёшларни, жумладан, хотин-қизларни кичик бизнес билан шуғулланишга жалб этиш, уларнинг ҳуқуқий, молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган аниқ мақсадли тадбирлар ҳам шулар жумласидандир.

Бунинг замирида ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш, фанни янада ривожлантириш ҳамда иқтидор эгаларини илмий фаолиятга жалб этиш, инновацион технологиялар соҳасидаги изланишларни рағбатлантириш, маданият, адабиёт, санъат ва бошқа маънавий-маърифий тарбияга қаратилган қатор тадбирлар кўламини ҳар томонлама кенгайтиришдек эзгу мақсад ва интилишлар мужассамдир.

**Ўктам МИРЗАЁРОВ,**
**Отабек ОТАЁРОВ.**

# ТАҲЛИЛ, МУЛОҲАЗА ВА ТАКЛИФ

**Тошкент молия институти, Москва давлат университети ва Москва гуманитар-иқтисодиёт институти ҳамкорлигида "Жаҳон молиявий инқирози оқибатларини бартараф этишда иқтисодий муносабатлар трансформацияси" мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Тадбирда "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, қишлокда уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилмалар қуришни жадаллаштириш, аҳолининг иш билан бандлигини, даромад ва фаровонлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлигига эътибор қаратилди. Анжуманда "Инқироз сабоқлари ва инқироздан кейинги ривожланиш хусусиятлари", "Инқироз даврида ижтимоий-иқтисодий тенгсизликни ва инқироздан кейинги ўзгаришларни тадқиқ қилишнинг методологик асослари", "Бозорга ўтишнинг "Ўзбек модели" тамойиллари – иқтисодий инқироздан ҳимоя воситалари" каби мавзулардаги маърузалар қизиқиш билан тингланди ва муҳокама қилинди.

Баҳс-мунозаралар сўнгида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида фойдаланишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилди.

**Нигора БОБОҚУЛОВА.**





# АЁЛЛАР ҲИССАСИ АЛОҲИДА

**Вилоят маънавият ва маърифат марказида хотин-қизлар қўмитаси ва фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамкорлигида ташкил этилган семинар хотин-қизларнинг "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ижроси доирасидаги фаоллигини ошириш, давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олиш мақсадида ўтказилди.**

"Баркамол авлод тарбиясида хотин-қизларнинг роли ва ўрни" мавзусига бағишланган тадбирда вилоят, шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари раислари, ички ишлар бўлими ходимлари, "Маҳалла" хайрия жамғармаси мутахассислари, хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитасининг "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини амалга ошириш борасидаги вазифалари ҳақида сўз борди. Жумладан, аҳоли бандлиги, касаначилик, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни иш билан таъминлаш масалаларига асосий эътибор қаратилди. Шунингдек, хотин-қизлар ҳуқуқбузарликлари, миграция, жиноятчилик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик ва бошқа муаммоларнинг олдини олиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбир якунида "Баркамол авлод тарбиясида давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлиги: муаммо ва ечимлари" мавзусида баҳс-мунозара бўлиб ўтди.

Семинар ишида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

# ИСТАКНИНГ ЎЗИ КИФОЯ

**Оиланг тинч, ўзинг эса эл орасида хотиржам юришинг учун қулай иш, тайинли даромад манбаи бўлгани яхши. Аммо бундай ишни қандай топиш мумкин?**

**Яқинда Оққўрғон туманидаги маданият саройига ташриф буюрган ҳар бир кишининг хаёлидан шу каби фикр ўтган бўлса ажаб эмас. Эрта тонгдан карнай-сурнай ва ноғора жўрлигидаги мусиқа садолари билан одамлар эътиборини тортган ушбу меҳнат ярмаркаси бир зумда гавжум бўлди-қолди.**

Туман ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш маркази, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ҳамда "Адолат" социал-демократик партияси туман кенгаши ҳамкорлигида туман ёшларини иш билан таъминлаш, ҳар бир кишига касби ва имкониятлари даражасида иш топишига ёрдамлашиш мақсадида ташкил этилган меҳнат ярмаркаси Баркамол авлод йилига бағишланди. Бўш иш ўринларини таклиф этган корхона ва ташкилот раҳбарлари сўзга чиқиб, ўзларидаги меҳнат шароитлари ҳақида қатнашчиларга маълумот беришди.

Ярмаркада "Тошкент каятекстиль", "Spentex Tashkent Toytepa" каби қўшма корхоналар, "Олимкент пахта тозалаш корхонаси" очиқ акциядорлик жамияти, "Зиё қурилиш АТП", "Агробанк" очиқ акциядорлик тижорат банки, "16-ТКМК" масъулияти чекланган жамияти каби корхоналар ҳамда тумандаги фермер хўжаликлари ўзларида мавжуд вакант ўринлар билан қатнашди. Улар таклиф этаётган иш ўринлари учун асосан ўрта ва ўрта-махсус маълумот талаб этилиши қатнашчиларни қувонтирди. Чунки, ярмаркага келган ёшларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари эди.

Аммо олий маълумотлиларнинг ҳам раъйи қайтарилгани йўқ. Туман қишлоқ хўжалиги ҳамда агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежлари, туман халқ таълими бўлими олий маълумотли даъвогарларни мактаб ва коллежлардаги ўқитувчилик ўринларига таклиф этишди.

– Туманимиздаги 50 та мактабга ҳозир 120 ўқитувчи талаб этилади, – деди халқ таълими бўлими мутахассиси Абдумуборак Чинпўлатов. – Тўғри, ўқитувчилик ўринлари бўш эмас, лекин керакли кадрлар етишмаслиги туфайли, айрим фанлардан мутахассислиги тўғри келмайдиган ўқитувчилар дарс беришмоқда. Биз шу соҳалар бўйича олий маълумотли талабгорларни қидиряпмиз.

Ярмаркада 35 корхона қатнашиб, 683 иш ўрнини таклиф этди. Туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази эса 420 талабгорни рўйхатга олиб, тегишли тавсия ва йўлланма берди. Ярмарка сўнгида деярли 500 иштирокчининг маданият саройини қувонч билан тарк этаётганига гувоҳ бўлиш мумкин эди. Чунки, кўпчилик ёшлар ниҳоят ўзларига маъқул ишни топиб, келажак сари биринчи қадам ташлаш имкониятига эга бўлдилар.

– Очиғи, бугунги меҳнат ярмаркасини шунчаки бир тадбир бўлса керак, деб ўйлагандим, адашган эканман, – дейди 20 ёшли Файзулла Турсунов. – Анчадан бери ўзимга ёққан иш қидириб юрардим. Бугун бир соат ичида мақсадга эришганимдан хурсандман. "Зиё қурилиш АТП" хусусий корхонасига пайвандчи бўлиб ишга қабул қилинганим ҳақида шартнома имзоладим. Маоши ҳам менга маъқул бўлди.

Файзулла каби ўрта маълумотли, кўнглига маъқул иш топган ёшлар кам эмас. Ярмарка ниҳоясида эълон қилинган маълумотларга қараганда, қатнашчиларнинг 450 нафари иш билан таъминланди. Қолганларга эса иш топиш юзасидан амалий ва ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Туман ҳокимлиги вакиллари ўз бизнесини бошламоқчи бўлган, нафақат ўзи, балки бошқалар учун ҳам қўшимча иш ўринлари очиш истагидаги ёшларга кредит олишда кўмаклашиш имкониятлари мавжудлигини билдиришди. Шу ёрдамдан фойдаланиб, ҳозир тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ёшлар бошловчи тадбиркорларга ўз фаолиятлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Меҳнат ярмаркаси натижаларини таҳлил этиб, шундай хулосага келиш мумкинки, туманда хоҳловчилар учун иш ўринлари етарли. Даромад қидириб хорижга чиқиш ёки бошқа шаҳарларда дарбадар бўлиб юришнинг ҳожати йўқ. Яхши иш топиш учун баъзи ёшларимизда истакнинг етишмаслиги эса ачинарли ҳолдир.

**Абулфайз САИДАСҚАРОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**Ўзбекистон Республикаси Юристлар малакасини ошириш марказида Ўзбекистон давлат нотариал идоралари нотариусларининг ўқув машғулотлари ўтказилди.**

# САБОҚ УЧУН РАҲМАТ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу машғулотларда вилоятимизда фаолият кўрсатувчи давлат нотариал идоралари вакиллари ҳам иштирок этишди. Тингловчилар меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Ўзбекистон қонунчилигидаги янгиликлар ҳақида маълумот олишди. Нотариус ишининг долзарб муаммолари ҳамда уларнинг ечимлари билан танишишди. Замонавий ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, касбий одоб-ахлоқ ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг роли ҳақидаги, шунингдек, фуқаролик ва мулкий ҳуқуқларга бағишланган маърузалар тингловчилар учун айниқса, фойдали бўлди.

**Абдурашид ИСОҚЖОНОВ,**
**Ангрен шаҳар 2-давлат нотариал идораси нотариуси.**

ТИББИЙ ХИЗМАТ

**Сўнгги йилларда тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш мақсадида кенг кўламда ислоҳотлар ўтказилаётгани бежиз эмас. Зеро, аҳоли ва ўсиб келаётган авлод саломатлигини ҳар томонлама муҳофаза қилмай туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.**



# ЯНА БИР ҒАМХЎРЛИК

Ўзбекистон Металлургия комбинатининг яқиндагина таъмирдан чиққан тиббий-санитария поликлиникасида беморлар амбулатор шароитида даволанибгина қолмай, алоҳида стационар хизматидан ҳам фойдаланмоқдалар. Бу ишчи-хизматчиларга кенг қулайлик яратмоқда.

– Стационаримизда 50 ўрин бўлиб, шундан 40 таси хўжалик, қолган қисми бюджет ҳисобидан таъминланади, – дейди бош шифокор Бахтиёр Тангилов. – Муассасамизга мурожаат қилган беморларга асосан терапевтик, кардиологик, неврологик, травматологик, офтолмологик ва отоларингологик хизматлар кўрсатилади. Бизда ҳар йили ўртача икки мингдан зиёд беморлар 40 нафарга яқин малакали тиббиёт ходимлари ёрдамида дардларига даво топадилар.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ – АМАЛДА





# ОҲАНГАРОН ПАРДАСИ ЧИРОЙЛИРОҚ

***Республика Президентининг "2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги Қарори чет эл сармоядорларини жалб қилиш, хусусий мулкчилик шаклини ривожлантириш ҳамда экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун кенг имкониятлар яратмоқда. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Давлат мулки қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси бўш турган объектларни хорижий ва маҳаллий инвесторларга сармоя киритиш мажбурияти билан имтиёзли шартларда беришни йўлга қўйди.***

Чунончи, Оҳангарон шаҳридаги парда ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Зиёда-Сардор" хусусий корхонасида ана шу асосда 400 миллион сўмлик қурилиш ва монтаж ишлари бажарилди. Эроннинг "Муин Текстил" корхонасидан замонавий технологик линиялар олиб келиб ўрнатилди. Эрондан бир гуруҳ мутахассислар келиб, технологик линияни бошқаришни, парда ишлаб чиқариш сир-асрорларини маҳаллий ёшларга ўргатишмоқда.

– Дастлаб иссиқлик таъминоти яхши йўлга қўйилмаганидан бироз қийналдик, – дейди эронлик муҳандис Нод Али Ғаффорий. – Ҳозир бу муаммо ҳал бўлди. Эронда тўр парда ишлаб чиқарадиган 50 дан зиёд корхона бор. Очиғини айтсам, юртингизда саноат ва ишлаб чиқариш учун барча имкониятлар борлиги бизни қувонтирди. Корхона учун жой керак бўладими ёки бошланғич маблағми, бари муаммосиз ҳал бўлар экан. Қолаверса, юқори ташкилотлар янги корхона қаддини тиклашида ёрдамларини аяшмади. Бу ерда ишчи кучлари ҳам кўп экан. Агар менда имконият бўлганида жон деб, Ўзбекистонда қолган бўлардим. Лекин Эронда туриб бўлса ҳам ҳар доим ўзбекистонлик ҳамкорларимиздан ҳеч қандай ёрдамимизни аямаймиз, зарур бўлганда келиб турамиз.

Эронлик яна бир мутахассис, технолог Авад Каримийнинг айтишича, корхонада ишлаётган оҳангаронлик ёшлар анча уқувли экан. У ўргатган ҳар бир нарсани тезда ўзлаштириб олишмоқда. Улар мураккаб техникаларни бемалол бошқаришаётир. Корхонада меҳнат қилаётган йигит ва қизларнинг хатти-ҳаракатларини кўриб, ҳавас қиласан, киши.

Ҳозирча корхона 50 фоиз қувват билан ишлаб, кунига 800 метр 4-5 хил нақшинкор пардалар ишлаб чиқармоқда. Хом ашё Эрондан келтирилмоқда.

– Фаолиятимизни секин-аста ривожлантириб борамиз, – дейди корхона раҳбари Раҳматилла Исмоилов. – Ҳозирча ички бозорни тўлдиришга ҳисса қўшамиз. Кейинчалик маҳсулотларимизни Арманистон, Тожикистон, Қозоғистон, Индонезия, Ҳиндистон, Туркия ҳамда Бирлашган Араб Амирликларига экспорт қилишни мўлжаллаяпмиз.

Яқинда корхона пардаларга ранг бериш ускунасини ишга тушириш ниятида. Бу пушти, сариқ, кўк ҳамда тилла ранг пардалар ишлаб чиқариш имконини беради.

– Оҳангарон марказида бўш ётган 5 гектар жойга муносиб инвестор топганимиз учун ишлар тез юришиб кетди, – дейди Давлат мулки қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармасининг шартнома ва инвестиция мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бўлими бошлиғи Абдужамил Абдуваҳобов. – Шу пайтгача хориждан келтирилаётган тўр пардалар энди ўзимизда ишлаб чиқарила бошланди. Қолаверса, кўплаб маҳаллий аҳоли ишли бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераяпти. Мулкдорлар сафи кенгайиб, иқтисодиётимиз мустаҳкам таянчга эга бўлмоқда. Бинобарин, тадбиркорликни йўлга қўйиш истагида бўлганларга барча эшиклар очиқ. Бунинг учун Давлат мулки қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси керакли барча амалий ёрдамни кўрсатишга тайёр.

**Хуршида НАЗАРОВА.**



# ИЖРОДА ИЗЧИЛЛИК МУҲИМ

**Халқ депутатлари вилоят кенгаши саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни доимий комиссия раиси, халқ депутатлари вилоят кенгашининг депутати Муҳаммадали Каримов бошқарди.**

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2009 йил 27 мартда қабул қилинган "Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулияти тўғрисида"ги Қарорининг ижроси муҳокама этилди. Доимий комиссия аъзолари ўртасида муайян вазифалар аниқ белгилаб олиниб, улар бўйича ҳисоботларни ўз вақтида бериб бориш, жойлардаги комиссия ишларига тегишли ёрдам кўрсатиш кераклиги таъкидланди. Комиссия ишини янада фаоллаштириш ва самарасини ошириш, ўтган йили комиссия ишида кузатилган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ўртага ташланди. Доимий комиссия вакилларининг ҳисоботларини ҳар чоракда тинглаб бориш ва баҳолаш хусусида келишиб олинди.

Йиғилишда доимий комиссиянинг 2010 йил учун иш режаси тасдиқланди.

Мажлис якунида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Саид АСҚАРОВ.**

МАЪНАВИЯТ

# ТАРБИЯНИНГ БОШИ ОИЛАДА

Тунни бедор ўтказган Ноила эрта саҳардан турмуш ўртоғи Ғолибжон билан шаҳар наркология диспансерига йўл олди. Шифокор ҳузурида ўтираркан, кўзлари жиққа ёшга тўлиб гап бошлади:

– Августда турмуш қургандик. Дастлабки икки ой давомида ҳаммаси рисоладагидек, ҳавас қилса арзигулик эди. Дадамларнинг туғилган кунлари сабаб бўлиб, бироз ичдилар-у, шундан кейин ичкиликка боғланиб қолдилар. Рўзғордаги камчиликларга ишлатармиз деган ниятда оз-моз пул тўплаётгандим, қарасам, бир тийини ҳам қолмабди. Бунинг устига кунда бўлмаса, кунора жанжаллашадиган одат чиқардилар.

Аслида Ғолиб акамлар билан мени бувимлар таништирганлар: "Бу оилани қишлоқда ҳамма билади, улар обрўли, ўқимишли одамлар, фарзанди ҳам ўзларига ўхшаган бўлади-да", дея эътирозларимга қарши чиққандилар.

Ҳақиқатдан ҳам, ота-оналари, опа-сингиллари жуда яхши одамлар. Қайнотам ҳуқуқшунос, қайнонам болалар шифокори...

Ҳеч шунақа бўлади, деб ўйламагандим. Яна ота бўлишни орзу қиладилар. Ахир гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қайси ахлоқий-маънавий асосларга қуриши бизга боғлиқ-ку?

Мана 3-4 ойдан бери ичмаган кунлари йўқ. Кечалари алаҳсираб чиқадилар. Қўрқаяпман, ёрдам беринг...

Ёнида ўтирган Ғолибжон уни юпатишга ожиз, хижолатдан кўзини ердан узолмасди.

– Сизга ўтган йили ётиб чиққан шифохонангизга йўлланма ёзиб бераман, – деди шифокор. – Раҳмонов, наҳот шунча муолажалар бекор кетган бўлса? Нега ўзингизни қўлга ололмайсиз? Кундан-кунга соғлиғингизни емириб бораётган иллатга қарши курашишга ҳаракат ҳам қилмайсиз?

Шифокор йўлланмани ёзиб, Ноилага узатди. У йўлланмани оларкан:

– Бу киши сизнинг назоратингизда туришларидан мутлақо бехабар эдим, – деди-ю, хонадан чиқиб кетди.

Ҳаётда бу каби мисолларни кўплаб кузатишимиз мумкин. Аммо кузатишнинг ўзи кифоя қилармикан? Жамиятнинг оддий фуқароси сифатида шундай муаммоларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш учун нималар қиляпмиз?

Спиртли ичимликларни истеъмол қилиш инсон саломатлигига жиддий зиён етказиши, бўлажак авлодларга ҳалокатли таъсир этиши ҳаммага маълум. У туфайли турли бахтсизликлар, автоҳалокатлар, кўнгилсиз воқеалар содир бўлиши, бола-чақа, қўни-қўшни ўртасидаги юзи шувутчилик, эл-юрт олдида шармандаю шармисор бўлиш... Ҳаммасини яхши биламиз, лекин шунга қарамай...

Ёшларимизнинг ичкиликка ружу қўйишларига оиладаги муҳит, тарбия, қолаверса, ота-оналарнинг лоқайдлиги сабаб бўлмоқда. Фикримизни қуйидаги мисол билан асословлаcак.

Японияда ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, ўзаро таниш аёллар учрашиб, бир-бирлари билан ўтказадиган суҳбат вақтининг 30 фоизи фарзандларининг ўқиш ва ишлари, тарбияси, хулқ-атвори, 20 фоизи шахсий масалалар, яъни касблари, ўқиган китоблари, кўрган фильмлари, яна 20 фоизи эса таниш-билишларнинг яшаш шароити, кайфиятлари, соғлиғи ҳақида бўлар экан.

Тошкент давлат маданият институти социология кафедраси олимлари олиб борган тадқиқот натижаларига қараганда, ўзбек зиёли аёллари 10 фоиз, тижоратчилар 5-7 фоиз, қишлоқ аёллари эса 3-5 фоиз вақтларинигина фарзандларининг таълимни қандай ўзлаштиришларини кузатишга ажратишади. Айни пайтда улар суҳбат давомида 40-50 фоизгача вақтни ҳаёт ташвишлари, қўшнилар муаммолари, дугона ва яқинларининг тақдири сингари мавзулар муҳокамасига бағишлашар экан.

Бир қарашда ижтимоий жиҳатдан унча аҳамиятли туюлмайдиган бу қиёсий таҳлил, аслида фарзандни катта ҳаётга тайёрлашнинг мамлакат тараққиётига бевосита ва билвосита таъсирини белгилаб беради.

Баъзи ота-оналар пул топишга муккасидан кетиб, фарзандлари тарбияси билан шуғуллана олмасалар, бошқаларида эса ибрат бўлгулик жиҳатларнинг ўзи йўқ.

Гоҳида ишдан қайтаётиб, арақ-вино сотиладиган дўконда бир талай кишилар йиғилиб турганини кўрамиз. Ажабланарлиси шундаки, улар ўсмирлар, балоғатга етмаганлар эмас, аксинча, бир катта оиланинг бошлиғи, қуда-андали, неварали, 50 ёшнинг нари-берисидаги отахонлар. Уларнинг дўкон олдидаги ҳолатини кўрган фарзандлари, набиралари, яқинларининг кўнглидан нималар кечишини ҳис қилишармикан? Ёшларга-ку, танбеҳ бера оламиз, уларга нима ҳам дея олардик?..

Абдурауф Фитрат ўзининг "Оила ёки оилани бошқариш тартиблари" асарида оила асосини тўғри қуриш, оилада ёш авлодга жисмоний, ақлий ва ахлоқий тарбия бериш орқали жамиятни ислоҳ қилиш мумкинлигини баён этган. Шунингдек, "Миллат тақдири мана шу миллат вакиллари яшаган оиланинг ҳолатига боғлиқдир... Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади", дея қайд этган.

Демак, жамиятимизнинг гуллаб-яшнаши оилаларнинг тинч-тотувлиги, мустаҳкамлиги билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, оила миллат шарафини юқори мартабага кўтарувчи, меҳр-мурувват, ахлоқ-одоб, инсоф, имон, диёнат, адолат, ҳамжиҳатлик каби инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган маънавият ўчоғидир. Зеро, маърифатпарвар аждодларимиз оилани миллат манфаатига хизмат қилувчи, инсон руҳини тарбияловчи бешик эканлигини кўп бора таъкидлашган.

Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этарканмиз, энг аввало, ўзимиз уларга ўрнак бўлишимиз лозим.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

XXI аср ва дунё



*Дунё мўъжизаларидан бири – Перудаги Мачу-Пикчу тарихий обидаси.*

## ГЛОБАЛ ШУБҲА

**Associated Press агентлиги маълум қиладики, Буюк Британиянинг парламент комиссияси "олимларнинг глобал исиш тўғрисидаги маълумотлари" сохта эканлигини тасдиқловчи маълумотларни тополмади.**

Комиссия баёнотида хакерлар ўғирлаган мингдан зиёд хат ва ҳужжатларда, шунингдек, ушбу масала юзасидан баҳсларда иқлимшуносларнинг глобал исиш ҳақидаги фикрларини рад этувчи асос топилмаганлиги айтилган. Шу билан бир вақтда парламентчилар агар олимлар ўз тадқиқотларининг дастлабки натижаларини жамоатчиликка вақтида ошкор этганларида, бундай баҳс-мунозараларга ўрин қолмасди, деган фикрни билдирдилар.

Комиссиянинг таъкидлашича, уларнинг хулосаси якуний эмас. Яна икки марта текширув ўтказилиб, илмий маълумотлар ва уларга асосланган фаразлар синчиклаб ўрганилади.

## АДИГЕН КЎЛИ ХАВФ СОЛМОҚДА

**Агар Қирғизистондаги Адиген кўли ўпириладиган бўлса, мамлакат пойтахти аҳолисининг ҳаёти катта хавф остида қолади.**

"24. kg" ахборот агентлиги Қирғизистон Республикаси табиий ресурслар вазирлиги гидроэкспедицияси раҳбари Қамчибек Мусуралиев шуни маълум қилганлиги ҳақида хабар тарқатди. Маълумотларга қараганда, мамлакат президенти қароргоҳидан 3-4 километр масофадаги бу кўлда ўпирилиш хавфи кучли. "Чехиялик мутахассислар билан биргаликда бу ерда кузатиш станцияси барпо этилиб, сувнинг чуқурлиги, ҳарорати ва ҳажми назорат қилиб борилмоқда", деди Қамчибек Мусуралиев.

Бундан 20 йил илгари кўл сувининг ҳажми 30 минг куб метр бўлса, ҳозир 300 мингга етди. Бунинг асосий сабаби музликларнинг эришидир. Гидроэкспедиция раҳбарининг айтишича, кўлни кечаю кундуз кузатиб, вазият ҳақида ахборот бериб бориш учун йилига 2 миллион сўм маблағ сарфланади.

## ТОЖИКИСТОНДА ЯШАШ ХАТАРЛИМИ?

**Исроилнинг терроризмга қарши кураш бюроси исроилликлар тезда тарк этишлари лозим бўлган мамлакатлар рўйхатига Тожикистонни ҳам киритди.**

"Авесто" агентлигининг маълум қилишича, бу рўйхатдан Ироқ, Эрон, Сурия, Ливан, Судан, Сомали, Афғонистон, Нигерия, Индонезия, Малайзия, Бангладеш ва Того давлатлари ҳам ўрин олган. Исроил бюросининг маълумотига кўра, шу мамлакатларда яшаётган яҳудийлар "Хизбулла"нинг қўпорувчилик ҳаракатлари қурбонларига айланишлари мумкин.

Исроилнинг бундай чора кўришига сабаб шуки, "Хизбулла" аъзолари ушбу ташкилотнинг махсус хизмати бошлиғи Имад Мугний Дамашқда ўлдирилганига бир йил бўлаётгани муносабати билан исроилликларга қарши қўпорувчилик актига тайёргарлик кўрилаётганини маълум қилди.

## БАҲОРДА ҚИШ

**Буюк Британияда қалин қор ёғиши ва кучли шамоллар оқибатида 70 мингдан зиёд уй электр таъминотисиз қолди.**

Шимолий Ирландияда 45-48 минг, Шотландиянинг қатор туманларида 20 мингдан зиёд хонадон табиий офатдан азият чекди. Умуман, 100 мингдан зиёд уй эгаларини қор ва пўрталалар туфайли электр таъминотида юз берган узилишлар анча қийнаб қўйди.

Қалин қор ёғиши кўчаларда транспорт қатновини мушкуллаштириб, кўплаб автоҳалокатларга сабаб бўлди. Шотландия вилоятларидан бирида мактаб ўқувчиларини олиб бораётган автобус ағдарилиб кетиб, 17 ёшли қиз ҳаётдан бевақт кўз юмди. Шимолий Ирландияда қалин қорда ботиб қолган юзлаб кишиларни қутқаришга тўғри келди.

**Покистон Олий суди мамлакат федерал агентлигининг мансабдан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш бўлими бошлиғи Аҳмад Риаз Шайхни қамашга санкция берди.**



## ТЕРГОВЧИНИНГ ЎЗИНИ ҚАМАШДИ

AFP агентлигининг хабарига кўра, Аҳмад Шайх ўзи бошқараётган бўлим ва бошқа тегишли хизматлар Покистоннинг собиқ президенти Асиф Али Зардорий ва бошқа юқори мансабдор раҳбарлар устидан бошланган терговни қайта давом эттириш ҳақидаги талабни бажармаганлари учун ҳибсга олинди.

Зардорий 1990 йилда 60 миллион долларни ўзлаштириш ва коррупцияда айбланиб, ҳибсга олинганди. 1997 йилда Женева бу иш юзасидан терговни тўхтатди. 2008 йилга келиб, Зардорий Покистон президенти лавозимини эгаллади. Бунда "Миллий қайта бирлашиш" ҳақидаги янги қонун кучга келди. Бироқ, мамлакат Олий суди 2009 йил 16 декабрда бу қонунни бекор қилди ва ҳукуматдан порахўрликда шубҳаланилаётган амалдорлар устидан терговни қайта тиклашни талаб этди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

**Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталарининг "IJOD" уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Bazar-Art – 2010" кўргазма-ярмаркаси якунланди.**

## КЎРГАЗМА-ЯРМАРКА ЯКУНЛАНДИ

Юртимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, амалий санъат ва миллий ҳунармандчиликка оид бой меросимиздан ёш авлодни баҳраманд этиш, уста ва ҳунармандларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар жиҳатдан кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 30 март куни қабул қилган "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони мазкур соҳани изчил равнақ топтириш, халқ ижодиёти соҳасига аҳолининг кенг қатламлари, шу жумладан, ёшларни жалб этиш учун қулай шароитларни яратишга оид эзгу ишларни янада юқори поғонага кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Пойтахтимизда уч кун давом этган ушбу кўргазма-ярмаркада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан юз нафардан ортиқ ҳунарманднинг ижод намунаси ҳамюртларимиз эътиборига ҳавола этилди. Шу билан бирга, миллий ҳунармандчилик асослари, унинг йўналиш ва мактаблари, усуллари, самарали меҳнат қилаётган уста ва ҳунармандлар фаолияти ҳақида ёшларга атрофлича маълумотлар берилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

МАКТУБ ЙЎЛГА ЧОРЛАДИ

# «АИДА»нинг ШОВҚИН-СУРОНИ

## атрофдаги кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолининг ҳаловатини бузмоқда

Таҳририятга Янгийўл шаҳар, Наврўз даҳаси, 6-уйда яшовчи Тоҳир Комиловдан шикоят мактуби келди. Унда айтилишича, муаллиф яшайдиган кўп қаватли уйнинг 1-қаватидаги "Аида" кафесида бўладиган шовқин-сурон аҳолининг тинчлигини бузмоқда. Хусусан, ярим тунга қадар давом этадиган ўйин-кулги, куй-қўшиқ, меҳмонларнинг бақир-чақирларию оғзиларидан шоди кириб, боди чиқиши ва бошқа муаммолар шу уйда яшовчи кишиларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда.

Шикоятда айтилишича, бу ҳақда шаҳар прокуратурасига мурожаат қилишган, кафе эгаси маъмурий жавобгарликка ҳам тортилган. Аммо, аҳвол ҳамон ўша-ўша – эски ҳаммом, эски тос. Янгийўл шаҳар ҳокимлигига қилинган оғзаки ва ёзма мурожаатлар ҳеч қандай самара бермаяпти.

Биз шикоят мактубида кўрсатилган важларга ойдинлик киритиш мақсадида Янгийўл шаҳрида бўлдик. Кўп қаватли уйнинг биринчи қаватида жойлашган "Аида" кафесининг ташқарисидан қараганда ҳеч қандай эътирозга ўрин йўқдек. Ҳаммаёқ сув қуйгандек жим-жит.

– Ҳамма машмаша кечқурун бошланади, – дейди шу ерда яшовчи Диёра Устабобоева. – Кеча кечқурун ҳам ярим тунгача тинчлик бўлмади.

– Рус миллатига мансуб ёш йигит-қизлар зиёфат ўтказиб, уйимиз олдида шовқин-сурон қилишди, – дейди Тоҳир Комилов. – Бу ҳол ҳар куни – сурункали давом этади.

– Қачон одамга ўхшаб ухлаганимни билмайман, – дейди Эркин Абдуллаев. – Ҳар кеч стол-стулларнинг тарақ-туруқи, бақир-чақир, баланд қўйиладиган мусиқа асабларни чарчатади. Деразалар очилганда кирадиган турли қўланса ҳидларни-ку, айтмаса ҳам бўлади.

– Бундай шикоятбозлик бизнинг ҳам жонимизга тегди, – дейди кафенинг иш юритувчиси Алишер Маннопов. – Ҳали прокуратурага, ҳали ҳокимиятга, мана энди сизларга ҳам ёзишибди. Текширувчилар келишади, кўп эътирозлар ўз тасдиғини топмайди.

Тўғри, илгари куй-қўшиқ жонли ижро этиларди. Шикоятбозлик кўпайгандан кейин буни ҳам йўқ қилдик. Стол-стулларнинг тарақ-туруқи эшитилмасин, деб оёқларига резина қопладик.

Турли тадбирлар ўтади, дейишибди. Ҳеч қандай катта тадбирлар ўтказилмайди. Фақат мижозлар кечки пайт овқатланишга келишади. Тўғри, овозини паст қилиб мусиқа қўямиз, мижозлар кайфиятини кўтариш учун. Бу ҳеч кимга халақит бермайди.

Қонуний ишлаб, аҳолига хизмат кўрсатаяпмиз. Бунинг учун шаҳар ҳокимлиги ва тегишли ташкилотлар рухсат бериб қўйган. Агар бирор қонун бузилиш ҳолати бўлганда, тегишли ташкилотлар чора кўрарди.

Биз кафе фаолиятига оид ҳужжатларини кўрсатишларини сўраганимизда ... улар ҳисобчи пойтахтга кетганини баҳона қилишди. Оқибатда масалага ойдинлик киритадиган кўпгина саволларимиз жавобсиз қолди: аввало, кафени ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатларда қайси фаолият тури кўрсатилган? Аслида, аҳоли яшайдиган кўп қаватли уйларда бундай кафелар очиш мумкинми? Қолаверса, аҳоли ва кафе раҳбарияти ўртасидаги бундай келишмовчиликларга ким барҳам беради?

Биз ушбу ҳолат юзасидан Янгийўл шаҳрининг тегишли идораларидан жавоб кутамиз. Ўйлаймизки, бу муаммо атрофлича ўрганилиб, аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётган ҳолларга барҳам берилади.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

РАССОМ ХАНДАСИ







Тошкент Давлат аграр университети (аввалги Тошкент қишлоқ хўжалик институти) томонидан Рихсиев Миррустам Талипович номига 1980 йил 30 декабрда тартиб рақами 2671, ЖВ-1 № 161442-сонли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Собир Раҳимов тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 09.04.2009 йилда № 05-07352 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 484822576) якка тартибдаги тадбиркор Каримов Тохир Икрамовичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный земельный кадастр за № 1905270051 выданный в 2001 году по адресу: Яккасарайский район, ул. Спитамен, дом 2 на имя Юсуповой Эльмиры Зейнуровны,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ТВДПИнинг ўзбек мактабларида рус тили ва адабиёти факультетини (503, 504, 505-гуруҳларини) 1980 йилда битирган курсдошлар 2010 йил 10 апрель соат 10.00 да бўладиган учрашувига таклиф этади.

Мўлжал: институт биноси ёнида.

Тел.:
(+99893) 616-84-08,
(+99893) 583-04-06.

Чиноз туманидаги 47-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1994 йил 5 июлда Каримов Фарход Азимбаевич номига берилган А № 441176 рақамли 11-синфни битирганлиги тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Бухоро Ислом Университети (ҳозирги Тошкент Ислом университети) томонидан 1987 йилда Қасимов Муса номига берилган 165/7 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 15 июлда TN № 000273 рақам билан рўйхатга олинган "ADOLAT QALQONI" адвокатлик бюроси **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 271-64-06 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Қибрай туманидаги 42-ўрта умумтаълим мактаби томонидан Хамидов Хамид Шерзод ўғли номига берилган U 3996479 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Равшан ЁҚУБЖОНОВ**
Навбатчи **Нигора БОБОҚУЛОВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-340. Адади 10207. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 2 3 4 5